

РАМАЗОН ОЙИГА ТАЙЁРМИЗМИ?

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



Шайх Сайфуллоҳ Носир

ҲОҚИҚА

Нашрга тайёрлади: Абу Абдуллоҳ Шоший

هل نحن مستعدون لشهر رمضان؟

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبكي]



الشيخ سيف الله ناصر

٤٠٩٢

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

Бисмиллах..

Мана, улуг Рамазон ойи кириб келишига ҳам саноқли кунлар қолди. Рамазон ойи фазилати ҳақида айтилмаган сўз қолмади ҳисоб. Ҳаммага бу қутлуғ ойнинг фазилатлари етиб борган. Лекин инсон доимо эслатмага эҳтиёж сезиб турар экан, бир нарсани билиб турсада, эслатилиши унга далда бўлар экан, қилмоқчи бўлган эзгу ишини бажаришига туртки керак бўлиб турар экан. Шунинг учун бу муборак ой ҳақида икки оғиз сўз айтмоқчи эдим.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам Рамазон ҳақида ҳадислардан бирида шундай дейдилар: "Сизларга Рамазон ойи келди. Бу шундай барака ойики, Оллоҳ таоло сизларни яхшиликка буркайди: раҳматини индириб, гуноҳларни ювади, дуоларни мустажоб этади. Сизларнинг бу ойда бир-бирингиздан ўзишга харакат қилаётганингизга қараб, фариштала-рига мақтайди. Шундай экан, ўзингиздан Оллоҳга яхшилик кўрсатинг. Зоро, бундай ойда яхшиликдан маҳрум қолган кимса энг баҳтсиз кимсадир". (Табароний ривояти). Бу каби ҳадислар билан саҳобаларни тарғиб қилган зот Рамазонда тоат-ибодатга қандай енг шимаришни ўзлари амалий равишда кўрсатиб берган эдилар.

Пайғамбар алайҳиссаломдан ўрнак олган саҳобалар умрларида Рамазон ойини бир ўзгача шавқ билан кутиб олар, кундузларини рўза, кечаларини тунги намоз билан ўтказар эдилар. Кўпчилик сийрат ва тарих аҳли ривоят қилишича, Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу халифалик даврида Рамазонга алоҳида тайёргарлик кўтарар, масжидларни бунга

тайёрлаб, одамларни ҳам тайёргарлик кўришга ундар эдилар. Абу Исҳоқ Ҳамдоний шундай ривоят қиласи: "Рамазон ойининг биринчи кечаси Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху чикиб келди. Масжидларда қандиллар чараклаб нур таратиб турар, Оллоҳнинг қаломи тиловат қилинар эди. Уларга қараб турар экан: Эй Ибн Хаттоб, Оллоҳнинг масжидларини Куръон билан нурли қилганингдек қабрингни ҳам Оллоҳ ўзи мунаввар қилсин, деди". (Муснадул фарук, ал Ибона ва бошқа китоблар).

Муалло ибн Фазл шундай дейди: "Улар олти ой Рамазонга етказ, деб дуо қиласар, яна олти ой эса қабул этгил, деб ёлворар эдилар".

Яҳё ибн Абу Касир: "Эй Оллоҳ, бизни Рамазонга саломат етказ, Рамазонни ҳам биз учун саломат қил (яъни, унда солиҳ амал қилишга мұяссар қил, гуноҳдан сақла), биздан мақбул ҳолда қабул қилиб олғыл", дер эди.

Улар учун Рамазон кундузлари бошқа ойларда ҳам рўза тутиш учун бир мадраса вазифасини ўтар, тунлари эса бошқа тунлар ҳам тик туриб Оллоҳга муножот қилишни ўргатувчи даргоҳ ишини бажарап эди. Шунингдек, Рамазонда улар чинакам очликни ҳис қилиш учун ифторлиги сахарликда ўзларини овқатга урмас, белларини тутиб туришга етарлигина өмак ер эдилар. Оғизларини ичмок-емоқдан тийишлари баробарида турли ҳаром гап-сўзлардан ҳам доимо, айниқса бу ойда қаттиқ эҳтиёт қиласар эдилар. Шунинг учун ҳам улар Рамазондан ўзгача бир шуур, ўзгача бир шукух, ўзгача бир ҳолат илин чиқар эдилар. Бу қутлуғ ой уларнинг қолган вақтларига ҳам қаттиқ таъсир

етиб, барча ойларда гуноҳлардан мутлақ чекинишга, нафл ибодатларга ўрганишга одатланар эдилар. Натижада, уларда бир руҳий юксалиш вужудга келар эди. Дунёга боғлиқ бўлган турли гап-сўзлар, ишлар улар учун бир пастлик, ҳақирилик кўриниб қоларди. Албатта, бунга сабаб уларнинг руҳиятининг покланиб, ўзлари одамлар орасида бўлсалар-да, қалблари, хоҳиш-истаклари, руҳлари Оллоҳга, у зот ваъда этган нарсаларга боғлиқ бўлиб қолгани бўларди. Бу нарса уларнинг ҳатто ташки кўринишларига ҳам таъсир этмай қолмасди.

Тобеинлар саййиди Сайд ибн Мусайиб шундай дейди: "Киши тунда намоз ўқишига одатланар экан, Оллоҳ таоло унинг юзига бир нур юборади, шу нур сабабли уни барча мусулмон яхши кўриб қолади. Ҳеч қачон кўрмаган одам ҳам бир кўриши билан: мен шу одамни яхши кўраман, дейди".

Ҳасан Басрийдан сўрадилар: "Нега тунда намоз ўқийдиганларнинг юзлари чиройли?" У киши жавоб берди: "Чунки улар тунда Раҳмон таоло билан холи қолдилар, Раҳмон уларга ўз нуридан кийгизиб кўйди".

Бу ҳақиқатларни чин юракдан идрок этган салафларимиз Рамазон кириб келиши билан бошқа ишларни йиғишириб, Қуръон тиловатига, намозга, зикру тасбехга киришиб кетар эдилар.

Бу табаррук ойда орамизда имкони борлар салафлардек бор вақтларини тоат-ибодатга сарф эта олсалар, уларга яқин ибодат қилишга имкон топсалар қандай яхши, қандай баҳт. Имкон топмасалар, қўлларидан келганича Оллоҳ таоло раҳматидан насиба

олишга киришсалар, турли гуноҳ ишлардан, беҳуда сағсаталардан, умр-вақт эгови бўлган ортиқча ишлардан узоқ бўлсалар ўзлари учун фойда бўлади.

Оллоҳ таоло барчамизни ушбу улуғ ойни манфатли ўтказишга мұяссар қиласин, гуноҳларимизни кечсин, ўзининг суйган бандалари қаторидан қиласин. Омин.

Мақола фейсбук сахифасидан олинди.

